
Бағдодда “Халқ Конституцияси билан халқчил давлат сари!” шиори остида маънавият фестивали ўтказилди

Кеча Бағдод туманининг турли манзилларида “Халқ Конституцияси билан халқчил давлат сари!” шиори остида ташкилланган маънавият фестивали доирасида “Маърифат” тарғиботчилари жамияти аъзолари ва элимиз ардоғидаги таниқли инсонлар аҳоли вакиллари билан самимий учрашувларда иштирок этишди.

Даставвал “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Маданият маркази” да “Маърифат” тарғиботчилари жамияти аъзоси, журналист Ханифа Зокирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳмонали Салимов, “Ниҳол” мукофоти совриндори, таниқли хонанда Азиз Ражабий каби меҳмонларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Маънавият фестивали “Пахтобод” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Маданият саройи” да давом этиб, унда ижтимоий дафтарларда рўйхатга олинган фуқаролар, ёшлар ва маҳалла фаолларидан иборат 400 нафардан зиёд томошабин қатнашди.

Куннинг иккинчи ярмида фестивал доирасидаги яна бир тадбир 16-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилди. Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган залворли ютуқлар, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотлар ҳақида сўз юритилган тадбир куй-қўшиқларга, оташин шеърларга уланди. Шунингдек, “Маърифат” тарғиботчилари жамияти аъзолари бағдодликларни 30 апрель санасида бўлиб ўтадиган Референдумда фаол иштирок этишга чақирдилар.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-04-01 15:48:30